ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

18 июль, шанба 1998 йил №84 (586)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 КАВКАЗГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС...

3 TV ДАСТУРИ

4 ДЕҲҚОН БОЛАСИ АДАШМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

«Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжаликларининг аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

1998 йил 1 октябргача барча туманларда фаолият кўрсатаётган деҳқон /фермер/ хўжаликларини уларнинг Ер кодексига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини хатлаб чиқсинлар ҳамда уларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ҳар бир туманда фаолият кўрсатаётган деҳқон /фермер/ хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш билан шуғулланувчи комиссиялар тузсинлар.

Аттестация ўтказувчи комиссиялар фермер хўжаликлари бошлиқларининг юқори ҳосил олиш учун илғор агротехника усулларини қўллаш, уруғлик, ўғитлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш бўйича юксак билим ва малакага эга эканликларига эътиборни қаратсинлар.

2. Қуйидагилар: фаолият кўрсатаётган деҳқон /фермер/ хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш Тартиби;

фермер хўжалигининг Намунавий устави;

фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартиби;

фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш Тартиби тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон /фермер/ хўжаликларини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш натижалари тўғрисида 1998 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фермер хўжаликларини хатловдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра статистика ҳисоботига тегишли аниқликлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажаридишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 15 июль.

Касаба уюшма ҳаёти: Халқаро алоқалар

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси С.Мехбалиев бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Федерация Кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова меҳмонларни диёримизга ташрифи билан кутлади ва кейинги йилларда мустақилликни қўлга киритган икки давлат ўртасида барча соҳаларда манфаатли алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан билдирди. Шунингдек мустақил ватанимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бу жараёнда касаба уюшмаларининг тутган ўрни ҳақида ҳам сўз юритилди.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси С.Мехбалиев Озарбайжондаги бугунги вазият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий янгиланиш жараёнида касаба уюшма Конфедерацияси фаолиятининг ўрни ва асосий йўналишлари хусусида сўзлаб берди.

Делегация раҳбари ҳар икки мамлакат касаба уюшмаларининг қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янгича шароитда иш юритиш ва тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенг йўлга қўйиш тарафдори эканликларини баён этди. Ўз навбатида касаба уюшма фаолларининг қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берди. Учрашув сўнгида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова билан Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси С.Мехбалиев ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномага имзо чекдилар.

Учрашувда Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси О.Азимбеков иштирок этди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Суратда: учрашув пайти.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

УКРАИНАГА ЁРДАМ

Украина ҳукумати Халқаро Валюта Жамғармаси билан уч йилга мўлжалланган ҳамкорлик меморандумини имзолади. Келишувга мувофиқ, валюта жамғармаси Украина Республикасига уч йил давомида 2 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратади.

БЕЛАРУССИЯ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАН ОЛА МУШУК ЎТДИ

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари Беларуссия Республикаси дипломатларини ўз давлатлари ҳудудига киритишни таъқиқлаб қўйдилар. Европа Иттифоқи давлатларига кириши таъқиқланган беларус дипломатлари рўйхатининг энг бошида Президент Александр Лукашенко номи ёзилган. Бу қарорнинг қабул қилинишига Беларуссия ҳукумати томонидан Минск ва унинг атрофидаги хорижий давлатлар элчиларнинг уй-жойлари ноқонуний тарзда мусодара этилиши сабаб бўлди.

СЎНГГИ ИМПЕРАТОРНИНГ СЎНГГИ МАКОНИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Авлиё Пётр ва Павел соборида Россия империясининг сўнгги ҳукмдори Николай Иккинчи ва унинг оиласи қолдиқлари дафн этилди. Дафн маросимида Романовлар сулоласининг 60 га яқин вакиллари ва мингдан ортиқ Россия ҳамда чет эл журналистлари иштирок этдилар.

ҲИНДИСТОН ХАВОТИРДА

Ҳиндистон ҳукумати Бангладеш билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши муносабати билан ўзининг кескин норозилигини изҳор этди. Деҳли маъмуриятининг баёнотига кўра, Америка қуролли кучларининг Ҳиндистон билан чегарадош Бангладеш ҳудудида жойлашиши Ҳиндистон учун катта хавф туғдириши мумкин.

ИРОҚ НЕФТИГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Ироқ ҳукумати ўз нефтини Сурия ҳудудидаги Баниас порти орқали хорижга экспорт қилишни тиклашга муваффақ бўлди. Ироқ нефть ишлаб чиқариш вазирлиги маълумотларига караганда, Бағдод Сурия орқали йилига 300 минг баррель нефтни экспорт қилиш ниятида.

«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида

Мустақилликнинг еттинчи одими

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ — ЎЗДЭУавто

Эртага — 19 июль куни мамлакатимизнинг Асака шаҳридаги ЎзДЭУавто қўшма корхонаси ишга туширилганига икки йил тўлади

Бундан бир неча йил муқаддам шаҳарларимиз кўчаларида хорижий русумдаги енгил автомобиллар тезтез қатнайдиган бўлиб қолди. Уларни кўриб, кишининг кўзи ўйнарди. Жумладан, Корея автомобилсозлари яратган дўмбоққина, хушбичимгина «жажжи автобуслари»нинг йўлларимизда чопқиллаб, «Эсперо», «Рейсер»ларнинг оққушдек сузиб юрганини кўриб, қачон Ўзбекистон ҳам ана шундай ўз машиналарига эга бўларкин-а, деб орзиқиб кўярдик. Бу орзиқишларимиз бизни кўп куттирмади. 1996 йилнинг авжи саратони Ўзбекистонни ҳам жаҳон автомобилсоз давлатлари қаторига қўшди. Бундан роппа-роса икки йил муқаддам Андижон вилоятидаги Асака шаҳрида Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорликдаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга туширилди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросимида, яъни 1996 йилнинг 19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди:

— Бутун жаҳон автомобилсозларининг ҳавасини келтирадиган «ЎзДЭУ-авто» автомобиль заводи уч йил ичида қуриб ишга туширилди. Айни пайтда Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бири бўлди. Бугунги кунда ушбу заводда ишлаб чиқарилган автомобиллар халқимизнинг узоғини яқин қилиб, чет мамлакатларга экспорт қилиниб, бу давлатимиз обрўсини бутун дунёга намойиш этмоқда. Кореялик ҳамкорларимиз билан келишувга асосан, 2000 йилга бориб Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларни бутловчи қисмларининг 70-80 фоизи ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлади. Демак, мамлакатимизда яна кўплаб замонавий технологияга асосланган янги корхоналар ташкил этилади. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сиёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон автомобили ўзбек аёллари хизматида.

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Халқимизда «бир келса қўшалоқлашиб келади» деган ибора бор. Буни кўпинча қувончли, бахтли воқеаларга нисбатан айтадилар. Президент Ислом Каримов айтиб ўтганидек, «ЎзДЭУавто»нинг ишга туширилиши ҳам юртимизда бир туркум янгидан-янги заводлар, қўшма корхоналарнинг барпо этилишига тамал тоши қўйди. «ЎзДЭУ» автомобилларини таъмирлаш цехлари, ушбу машиналар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган «Ўз-Тонг-Хонг», «Ўз-Кором» каби қўшма корхоналар қурилди. Буларнинг бари бир томондан Ўзбекистоннинг янги фарзанди — автомобилсозлигини «атак-чечак» қилдириш учун омил бўлса, иккинчи томондан мамлакатда ва айниқса, Андижонда аҳоли бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги йигирма саккизинчи автомобилсоз давлатга айланишининг яна бир муҳим томони бор. Бу иншоотнинг фаолият кўрсата бошлагани билан кишиларимизда янгича ишлаш кўникмалари ҳосил бўлди. Ўзбекистонда янги замон ишчисининг, янги замон мутахассисининг менталитети яратилди. Ўзбекистон Асакадан туриб порлоқ келажак сари яна бир дадил одим ташлади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ

XXI асрнинг малакали мутахассислари

ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТГА

Янгидан ислоҳ қилинаётган мамлакатга янги фикрдаги, замонавий касбкор билан қуролланган мутахассислар сув ва ҳаводек зарурдир. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини замонавий ходимларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимиз халқ таълими соҳасида вужудга келган бундай эҳтиёжни ўз вақтида илгаган Лилия Лагазидзе «Прогресс» («Тараққиёт») номли ўқув Марказини ташкил этди. Асосан инглиз забонини пухта ўргатиб, бу соҳада етук мутахассислар тайёрловчи даргоҳда умумий таълим мактабларининг 7-11-синф ўқувчилари таҳсил олишади.

Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб, халқаро тараққиёт сари интеграциялашаётган диёримизда эскича фаолият юритиш, айниқса халқ таълими соҳасида «қотиб қолиш» кўп жиҳатдан ноўриндир. Шу маънода Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошида очилган ушбу марказни замонавий ходимлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошираётган билим даргоҳларидан деб эътироф этса бўлади. Хорижий тилни ўргатиш учун бу ерда асосий ўқув курсидан ташқари видеодарслар аудиотажриба, фильм, қўшиқлар, саҳна усулларидан кенг фойдаланилади. Ҳар бир ўқув гуруҳида 9-10 нафар талаба ёруғ ва шинам хоналарда билим оладилар. Айниқса, Британия ва Америка элчихоналари, бошқа халқаро ташкилотлар томонидан совға қилинган ўқув қўлланмаларини ўзида жам этган кутубхонани ҳақиқий олтин жамғармага қиёс этса арзийди.

Дастлаб, «Прогресс» маркази инглиз тили таълимига йўналтирилган эди. Лекин, ҳаётнинг ўзи доно муаллим, деганларидек, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Л.Лагазидзе жамиятда бошқа мутахассисликлар учун ҳам талаб катталигини ўз вақтида ҳис этди. Алалхусус, шу даргоҳнинг битирувчилари учун 4 йиллик «Бизнес-мактаби» очилди. Жаҳон андозалари даражасида таҳсил олаётган ёшлар келажакда халқаро бизнес, менежмент, маркетинг, тижорат ҳуқуқи, замонавий бухгалтерлик ҳисоби соҳалари бўйича етук мутахассислар бўлиб етишишади. Энг муҳими эса, бу мутахассислар тез орада нуфузли корхона-ташкилотларда хизмат қилиш учун тайёр бўладилар.

Мустақиллик тақдиримизни ўзимиз ҳал этишимиз, истиқболни ўзимиз белгилашимиз учун зўр имконият берди. Бундай имкониятлар кўпроқ ёшлар олдида кенг уфқлар очаётгани эса айниқса қувонарлидир.

Вера ЧЕНТАЕВА,
Омонбой МУРАТОВ
ЎзА суратга олган.

Суратларда: 1.Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Лилия Лагазидзе машғулот олиб бораяпти.

2.Машғулот қатнашчилари.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

танловига марҳамат!

Фурсат оз қолди!

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси республикамиз ижодкорлари ва қаламкашлари учун Ватанимиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилаётган муаллифлик ишларида ва фотосуратларда қуйидагилар кенг ёритилган бўлиши лозим:

- она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;

- миллий ғурур, инсоний қадриятлар;

- кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;

- фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётган замондошларимиз;

- мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;

- буюк истиқлолнинг улуғ неъматлари.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

1-мукофот /учта/ - хорижда ишлаб чиқарилган кўп каналли рангли телевизор;

2-мукофот /бешта/ - видеомагнитофон;

3-мукофот /еттита/ - энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.

Танлов ғолиблари 1998 йил Мустақиллик байрами арафасида аниқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этиладиган мақола ва суратлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ва бошқа ижодий ишлар қуйидаги манзилда икки нусхада таҳририят тавсияси билан 1998 йил 1 августга қадар қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй, 2 қават, 31 ва 37 хоналар. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига.

Тел. 144-69-65, 144-37-87.

Касаба уюшмалари ҳаёти: дам олиш ва соғломлаштириш — устивор йўналишларимиздан бири

КАВКАЗГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС...

Ўзбекистонимиз - мафтункор ўлка деб ном олган. Унинг кўҳна табиати, довруғи етти иқлимга достон . Юксак ва гўзал тоғлар оралаб тушган шўх жилғалар , беқасамдан тўн кийгандек ажиб тоғ этаклари, ўрмонзорлар, гўзал водийлар, дарёлар, чексиз боғ-роғлар хуллас, сўлим ва бетакрор гўзалликларни таърифлаб адоғига ета олмайман.

Ана шундай кўркам ва мафтункор ўлка табиатнинг энг хушманзара гўшаларида ўзининг соғломлантириш масканларига эга. Ҳозир айни дам олиш, соғломлантиришнинг энг долзарб мавсуми. Шу муносабат билан мухбиримиз Будир ПЎЛАТОВ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузуридаги республика санаторий курортлар бошқармасининг бошлиғи Акмал Аҳмаджонович ЙЎЛДОШЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

- Санаторий-курортлар иши, тиббий-даволаш ишлари, шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берсангиз?

- Ана шу саволга жавоб беришдан аввал бир муҳим воқеликни эслатиб ўтмоқчиман. Чунки, у ана шу саволга бевосита алоқадор. Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини Ватанимиздаги ҳамда халқаро ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ва демократик ўзгаришларга мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳақидаги Фармойиши эълон қилинган эди. Унга мувофиқ Давлат дастурини ишлаб чиқиш таъкидланган. Биз ҳам Президентнинг ана шу Фармойиши йўналиши бўйича қатор тадбирлар белгилаяпмиз. Уларга тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатини рағбатлантириш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизимини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини нодавлат сектор ва хусусий амалиётни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда белгилаш каби қатор масалалар қиради.

Санаторий-курорт даволаниши илмий асосга солинган, сув, ҳаво, нур каби шифобахш омиллар, яъни минерал сув, балчиқ, шунингдек, шакли ўзгартирилган физик омиллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Илмий асос деганимнинг мазмуни шуки, санаторий даволанишида унинг иқлими, юқорида таъкидланган омиллар, дам олиши, ҳатто овқат рациони ҳам ҳисобга олинади. Баъзи санаторийларда иқлимий даволаш асосий омил ҳисобланади. Иқлим билан даволашда Н.А.Семашко номидаги табиий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтида ишлаб чиқилган услубиятлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида янги уфқлар очилди. Жуда катта ташкилий ишлар қилинмоқда. Тўғри, илгари кишилар Кавказ томонлар, Россиянинг Болгария, Чехия, Словакия, Руминия ва бошқа Оврупа мамлакатларига минераллашган сув ёрдамида даволанишга борар эдилар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бир тупканинг тагидаги жойларга бориб даволанишнинг ўзи бўладими? Вахоланки, мафтункор юртимизнинг ажойиб гўшаларида шифобахш сувларнинг ҳамма хилларини ўз ичига олган бой гидроминерал ресурслар мавжуд. Чунончи, «Чимён» санаторийсида «Мацеста» суви хилидаги водород сульфидли; «Чортоқ», «Ниҳол» санаторийларида йод ва бром миқдори юқори бўлган; «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Косонсой» санаторийларида Саки, Евпатория, Махачқалья курортларининг сувидан қолишмайдиган хлорид-натрийли сувлар топилган. Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино санаторийсида Пятигорск типидаги радонли сувлар борлиги аниқланган.

«Оқтош», «Зомин» санаторийларида иқлимий даволашга асосий эътибор берилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги республика Санаторий-курортлар бошқармаси 17 санаторий ва яна бир «Сўқоқ» дам олиш уйига эга. Улар 5137 ўринга эга бўлиб 3780 ўриндан фойдаланилмоқда, умумий ҳисобда 1357 ўрин миқдоридаги жойлар қулай шароитли, шунингдек, «люкс», ярим люкс хоналар ташкил этиш учун қайта таъмирланмоқда. Капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

17 санаторийдан 13 таси кўп тармоқли, қолганлари махсус ихтисослашган. Касаба уюшмаларининг ана шу 13 санаторийси шифобахш сувларга асосланган бўлиб, кимёвий таркиби бўйича довруғ қозонган Кавказ, Россия, Украина ва қатор хорижий мамлакатлар шифобахш сувлари билан рақобатлашади.

Давр санаторий хизмати ишини шу кун талаблари даражасида олиб боришни талаб этмоқда. Касаба уюшма сиҳатгоҳларида аҳолининг талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Чунончи, «Чимён», «Чинобод», «Чортоқ» сиҳатгоҳларида гинекологик «Турон», «Ниҳол», «Бўстон»да андрологик, «Чинобод», «Ниҳол»даги модда алмашуви бўлимида қандли диабет касалликларини даволовчи бўлинма ташкил этилди. «Чимён», «Ситораи Моҳи Хоса», «Қашқадарё соҳили»да юрак инфаркти касалликларини ўтказган касалларни даволаш, «8-март»да болалар гинекологик касалликлари, «Турон»да андрологик-гинекология, «Бўстон»да орқа мия касалликлари бўйича соғлиқни қайта тиклаш бўлимини очиш кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, касаба уюшмаларига қарашли санаторийларнинг кўпчилиги сиҳатгоҳларга айлантирилган. Чунки, меҳнаткаш анчагина пул сарфлаб, таътилга чиқиб даволангани келади. Бу усулда иш тутиш эса кишиларнинг асосий касалликдан ташқари яна бошқа касалликлардан фориғ бўлишига ёрдам беради.

Даволаш мажмуида тўғри ва парҳез овқатни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Касаба уюшмалари санаторийларида овқатлантириш республикамизнинг иссиқ иқлими, беморнинг тиббий аҳволи, даволанаётганларнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб ташкил этилмоқда. Овқатларнинг мазали қилиб тайёрланишига эътибор катта. Овқатлантириш кунига тўрт марта бўлиб, буюртма шаклида, ресторан услубидадир.

Санаторийларда овқат сифатини назорат қилувчи комиссия фаолият кўрсатади.

- Санаторийлар моддий-техник аҳволи қандай, янги тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқдами?

- Сиҳатгоҳларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашда маълум ишлар қилинмоқда. Кейинги иккиуч йилда қатор санаторийларда тиббий ускуналар ўзгартирилди, янги хиллари олиб келинди. Хусусан, «Чинобод» санаторийсида таннархи 2,5 миллион сўм турадиган «УЗИ» ускунаси, 800 минг сўм турадиган «Мустанг» лазер қурилмаси, шунингдек, сув ости уқалаш асбоб-анжомлари сотиб олинди. «Чимён», «Чортоқ», «Ботаника» ва бошқа бир қатор сиҳатгоҳларда компьютер электрокардиограф қурилмаси, кўчма ва доимий биоэлектроактиватор сотиб олинди. Янги ускуналар ўрнатилган даволаш хоналари кўпайтирилди. Барча сиҳатгоҳларда даволаш, жисмоний тарбия заллари мавжуд ва улар ҳам янги ускуналар билан бойитиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сиҳатгоҳларда шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар малакасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Чунки, янги замонавий тиббий ускуналар ўрнатилмоқда, янги ихтисослашган бўлимлар ташкил этилаяпти, даволашнинг замонавий янги усуллари жорий этиляпти. Деярли барча санаторийларда руҳий-ҳаяжон дардини енгиллаштириш магнит ва лазер терапияси, сексо-патология, игна билан даволаш хоналари очилган. Бу ишлар эса давом эттирилмоқда. Яқин истиқболда яна қатор тиббий техникаларни энг замонавийларига ўзгартиришимиз даркор.

- Йўлланмалар ва уларнинг тарқатилиши, шунингдек, «Оила йили» муносабати билан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз?

- Шу йилнинг ярим йиллигида ўн саккиз мингга яқин киши йўлланмалар билан дам олди ва соғлигини тиклаб қайтди. Биз касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда барча вилоятларда меҳнаткашларнинг санаторийлар хизматидан бахраманд бўлишлари йўлида қатор тадбирлар тузиб амалга оширмоқдамиз.

Ҳозирги моддий қийин аҳволда узоққа бориб даволанишнинг ўзи бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, касалликка қараб уларга яқин жойлардаги сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш ҳаракатларини қилаяпмиз. Бошқармамиз ҳузуридаги йўлланмаларни сотиш бюроси ҳозирги дам олиш мавсуми қизиган, яъни йўлланмаларга эҳтиёж ниҳоятда ошган вақтда республикамиздаги турли идораларга қарашли энг яхши санаторийларга йўлланмалар сотиб олишда ҳам яқиндан кўмаклашаяпти. Шу жумладан, гўзал Бўстонлиқ ҳудудида жойлашган «Хўжакент», «Наврўз», «Хумсон», «Лайнер», шунингдек, бошқа жойлардаги «Зангиота», «Нов», Тошкент шифобахш сувлари ва бошқа сиҳатгоҳларга йўлланмалар олишга кўмаклашмоқда. Мазкур бюро шунингдек, фуқароларга республикамизга қарашли Ялтадаги ва Кисловодскдан Ўзбекистон санаторийларига, Иссиққўл бўйидаги қатор сиҳатгоҳлар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги дам олиш ва даволаниш муассасаларига шартнома асосида нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан йўлланмалар олиб бермоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, Республикамизда йўлланмалар таннархи нисбатан анча арзон. Касаба уюшма сиҳатгоҳлари 24 кун муддатли йўлланмалар нархи 250-260 Америка долларига тенг келса, Қирғизистонда 350, Россия, Украинада 625-875 Америка долларини ташкил этади.

Аввалги йиллар ҳам касаба уюшмаларининг бешта сиҳатгоҳида оилавий дам олиш ташкил этилар ва 2500 атрофида оила дам олар ва соғломлантириларди. 1998 йил - «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу йил тўққизта сиҳатгоҳда оилавий дам олиш уюштирилди. Шу муносабат билан энди ҳар ойда касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида 500 нафардан кўп оила дам олади ҳамда соғлиғини тиклайди. Оилавий дам олиш муносабати билан ана шу тўққиз дам олиш ва даволаниш муассасаларида алоҳида тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

- Республикамиз мустақил бўлганлиги муносабати билан санаторий-курортлар, уларга қўшимча бинолар қурилаётганини таъкидладингиз, уни аниқ мисоллар асосида сўзлаб берсангиз?

- Ўзбекистон курортлар барпо этиш учун жуда қулай иқлимий шароитларга ва устунликларга эга. Унга эҳтиёж ҳам катта. Ана шу ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда республика касаба уюшмалари, санаторий-курортлар бошқармаси ишлаётган санаторий-курортлар ҳузурида қўшимча бинолар бунёд этиб, ўринлар сонини кўпайтириш йўлини давом эттирмоқда. Хоразм вилоятидаги «Хонқа»да 500 ўринли, Сурхондарё вилоятидаги «Хўжаи пок»да 100 ўринли ва Қорақалпоғистон республикасидаги «Чимбой» она ва бола сиҳатгоҳида 225 ўринли санаторий комплекслари қурилиши давом этмоқда. «Оқтош», «Бўстон», «8-март», «Ниҳол» санаторийларида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Шу билан бир қаторда касаба уюшмалари соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник шарт-шароитлари ҳисобга олиниб, ётиш биноларини режа асосида реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва бир пайтда янада мазмунли ҳордиқ чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Суҳбатимиз ниҳоясида яна шуни ҳам таъкидламоқчиманки, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ишида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг дам олишини ва соғломлаштиришни ташкил этиш энг муҳим ишлардан биридир. Шунинг учун санаторий-курортлар ишининг юқори талаб даражасида бўлиши фақат санаторий-курортлар бошқармаси эмас, жойларда вилоят касаба уюшмалари, ҳокимиятлар ва қатор тегишли ташкилотларга ҳам кўп даражада боғлиқ. Одамлар бир неча йилда бир марта санаторийга йўлланма олиб, соғлиғимни тиклай, дам олай, деб умид билан йўлга тушишади. Ўша ҳудудга самолётдами, поезддами етиб келади. Лекин арзимаган йўл қолганда, маҳаллий жойда автобус бўлмай иссиқда ярим кунлаб йўлда қолиб кетади. Шунингдек, санаторийда дам олади, даволанади, кайфияти чоғ, лекин қайтишда автобус бўлмай шунча кун дам олгани бурнидан чиқиб кетади. Шундай ҳам бўладики, дам олувчи сиҳатгоҳга етиб олгач, алоқа йўқлиги туфайли уйга қўнғироқ қила олмай, дам олганида ҳам ҳузур-ҳаловати йўқолади. Хулласи, шу каби жузъий камчиликлар дам олишни ташкил этиш ишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мутасадди ташкилотларга умумий ишимизда ҳамкор бўлиб ишлайлик деган мулоҳазамни билдирмоқчиман.



Суратларда: «Турон» ва «Чинобод» санаторийлардан лавҳалар.

В. ПОРТНОВ олган суратлар.

РОҲАТБАХШ МАСКАН

- Ўзбекистонимизнинг табиатини ер шарининг бирор жойидаги табиатга қиёслай олмаймиз худога шукур шу ерда туғилиб - ўсиб, яшаяпмиз,-дея гап бошлади поезд купесидаги ҳамроҳимиз ва савол назари билан деди:

- Зоминда бўлганмисиз?

У ерда бўлмаганимизни айтдик.

- Э,-у ҳаяжон билан гапини давом эттирди,- Зоминда бўлмабсиз, оламга келмабсиз.У ернинг об-ҳавоси, суви, табиатини қиёслаш учун камида шоир бўлиш керак. Эрта тонгдаёқ қушларнинг чуғур-чуғури, тошдан-тошга урилиб она-замин узра шошилаётган, ирмоқлардан чиқаётган товушларнинг ўзи минг дардга даво...

Суҳбатдошимиз Ёқубжон Исломов, асли Андижоннинг Балиқчи туманидан экан. «Зомин» санаторийсида даволаниб, дам олиб, соғлигини тиклаб қайтаётган экан.

- Кўп йиллар бўлди. Нафас қисиш дардига чалинганман. Дўхтирлар шу ерни тавсия қилишганларида, дастлаб, кўнглимда қандайдир норозилик пайдо бўлган эди. Сиҳатгоҳга етиб келиб, унинг табиатини кўриб тоғ ҳавосидан бир марта тўйиб нафас олганимдаёқ фикрим тамоман ўзгарди. Бир неча йилдирки, «Зомин»нинг шайдоси бўлиб қолдим.

Дарҳақиқат, республикамизнинг қайси бурчагига борсангиз «Зомин» ҳақида илиқ гапларни эшитасиз.

Халқимизда «юз эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал», деган нақл бор. Биз ҳам санаторий фаолияти билан танишиш мақсадида «Зомин»га йўл олдик...

Жиззах вилояти, Зомин туманининг энг хушманзара масканида, аниқроғи Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, қўриқхона ҳудудида жойлашган «Зомин» санаторийси фаолият кўрсата бошлаганига ҳам 10 йил бўлди. Шу йиллар давомида қанчадан-қанча беморлар бу ердан шифо топдилар.

Чиройли тоғ манзараси, қуёш, мусаффо ҳаво, ультрабинафша радиациянинг юқорилиги ва ҳаво кўрсаткичлари жам бўлиб нафас олиш органлари касалликлари бўлган болалар ва катта ёшдаги кишиларда иқлимий профилактик ва терапевтик муолажалар ўтказишга қулай шарт-шароитлар яратиб беради.

- Санаторийимизда бир йўла 250 нафар кишининг даволаниб, соғлигини мустаҳкамлаш имконияти яратилган. Асосан, нафас органлари ҳамда асаб касалликларини даволаш йўлга қўйилган,- дейди санаторий бош ҳакими Иноятулла Эргашев. Бу ерда нафақат катта ёшдаги кишилар, балки, 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ҳам ота-оналари билан бирга соғлиқларини тиклайдилар. Шифокорларимиз хизматидан одамлар миннатдор.

Бир ва икки кишили шинам ва озода, барча қулайликларга эга бўлган хоналар энг талабчан кишиларда ҳам эътироз уйғотмайди. Клуб, кутубхона, бар, спорт майдончалари, болалар учун аттракцион ўйин зали доимо гавжум. Тез-тез саёҳатлар ташкил этиш тадбирлари белгиланган.

Даволанувчилар - ғаллааролик Зайнаб Усмонова, Самарқанд вилояти Челак туманидан келган Нодира Тоҳирова, Бухоро вилояти Пешку туманилик Мухтор Фозилов, оилавий дам олувчи Бахтиёр Эргашевлар бу ердан тезда шифо топганликларидан, шароитлардан мамнун бўлиб гапириб беришди.

Бу ерда асосий даволаш омили-табиий иқлимдир. Бундан ташқари сунъий марваридли, йод-бромли ванналар, душлардан, физиотерапия, массаж, терренкур, сауна, бассейнлардан фойдаланилади. Бронхиал астма билан оғриган беморлар учун эса, айниқса галокамера муолажаси катта фойда бермоқда.

«Зомин»да бўлганлар соғу-саломат, хушкайфият, бир олам таассуротлар билан оила аъзолари даврасига ошиқишади.

Дарвоқе, «Зомин» санаторийси ўзининг бетакрор табиати, дилкушо иқлими билан ҳаммани ўз бағрига чорлайверади. Зеро, шоир айтганидек:

Кўкрагимга шаффоф булоқ сувлари,
Кўзларимга феруза осмон.
Энг яхши дармон.

Н. АЛМУРОДОВ.
Ф. ҒОЙИБОВ.

Суратларда: ҳамшира Қизлархон Ҳолмирзаева дам олувчилар орасида; ҳамшира Манзура Бозорбоева, Лола Алмаматова, Турсуной Қулмаевалар.

А.НУРМАМАТОВ олган суратлар.

TV

ДУШАНБА 20

ЎзТВ-I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба 20 июль куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Қизиқарли учрашувлар».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.35 «Ер келади, қўзлари ҳумор келади». Мусиқий дастур.
22.00 «Тадбиркор минбари».
22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 26-кўй.
23.05 «Ахборот».
23.30 — 23.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларидан». Телесериал.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ. «Миллионерга қандай қилиб турмушга чиқиш мумкин».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Маргилон ипаги».
9.35 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
10.00, 12.00, 14.00— Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Ўзбек киноси иқтидорлари».
10.35 Кундузги сеанс. «Йўқолган ҳазина». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадио-компанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
13.25 «Вов» лақабли мушукча». Мультфильм.
13.35 — 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

* * *

17.15 Янгиликлар.

*

17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.

*

21.00—21.30
РДТ «Вести».

*

21.30 «Зебо зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
21.55 «Ўт ўрувчи I». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Рангинкамон»
«Дидар»
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «Намастэ».
21.25 Кинематограф. «Илонлар водийсининг касофати».
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 21.00, 02.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Қулғили воқеалар»: «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Ҳаракатдаги кино».
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.45 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тун!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.35 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Чоликуши». Сериал.
9.40 «Қулғи панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 18.30 — «Қуйини топинг».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Кирол ўқчиси Шарпнинг саргузаштлари». Тарихий серил.
13.25 «Йўқолган хазиналар изидан». Сериал.
14.20 Мультсериал.
15.20 «Бахтли тасодиф».
16.00 «Олтин атиргул гори». Сериал.
16.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Олег Меньшиков «Моонзунд» тарихий драмасида.

РДТ

6.00, 7.40, 14.40 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.25 — «Вести».
6.55, 22.50 — «Тафсилотлар».
7.10, 23.05 — «Навбатчи қисм».
7.25 «Товарлар — почта орқали».
7.30 — «Стронг» таништиради.
8.00 «Православ тақвими».
8.05 «Хайвонлар ҳақида мулоқотлар».
9.05, 19.30 — «Санта-Барбара».
10.30 «Пуллар».
10.45, 20.30 — «Петербург сирларининг очилиши». Телесериал.
13.30 Николай Буров, Вера Сотникова, Валерий Баринов «Император романи. Сарой хроникаси» тарихий драмасида. Телесериал. 1-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар учун ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.35 «Россворд».
17.05 Витторио Гассман «Йўлбарс ва мушукча» комедиясида.
21.35 «Пси Фактор». Телесериал.
23.20 «Қизиққон ўлик»

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес». Сериал.
11.10 Кеча «Якунлар»да.
12.10 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
12.25 «Якунлар». Тунги сухбат.
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 Кино олами. Корин Тузе ва Ги Маршан Роже Аненнинг «Румба» фильмида (Франция).
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 163-серия.
16.00 «Яхши ният» ўйинларида.
17.20 «Сезам кучаси».
17.50 Мультфильм.
18.15 «Фазодаги жанг». 13-серия.
19.05 «Криминал».
19.15 «Нафи тегади».
19.25 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Юбилей. Вахтанг Кикабидзе таваллудининг 60 йиллигига. «Мимино» комедияси.
22.40 «Офарин!». «Қўғирчоқлар».
00.40 «Сегоднячко».
01.15 Концерт. «Роллинг стоунз» гуруҳи.

КозТВ

15.50 га қадар профилактика.
15.50 «Хит-парад».
16.00 «Санъат — гиёҳвандликка қарши».
16.25 «Гутен абенд!». Немис тахририяти кўрсатуви.
16.50 «Омонат».
16.55 «Ютуқ» салони.
17.00 «Сокин сувлар». Телесериал.
18.00 «Бола тилидан».
18.35 «Юртдошлар».
19.00 «Даллас». Телесериал.
20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
20.40 Спорт янгиликлари.
21.00 «Петровка, 38». Бадиий фильм.
22.30 «Ютуқ» салони.

СЕШАНБА 21

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Олтин тож». Телеўйин.
9.10 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Салламно». Р. Маннонова.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.

*

12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 6-серия.
12.20 Кундузги сеанс. «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
14.10 — 15.00
«Ёшлик студияси». «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи». 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.

*

21.00—21.30
РДТ «Вести».

*

21.30 «Зебо зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
21.55 «Ўт ўрувчи I». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Рангинкамон»
«Дидар»
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «Намастэ».
21.25 Кинематограф. «Илонлар водийсининг касофати».
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 21.00, 02.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Қулғили воқеалар»: «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 Оилавий кино.
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.45 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тун!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.35 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Чоликуши». Сериал.
9.40 «Қулғи панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 18.30 — «Қуйини топинг».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Кирол ўқчиси Шарпнинг саргузаштлари». Тарихий серил.
13.25 «Йўқолган хазиналар изидан». Сериал.
14.20 Мультсериал.
15.20 «Бахтли тасодиф».
16.00 «Олтин атиргул гори». Сериал.
16.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Олег Меньшиков «Моонзунд» тарихий драмасида.

РДТ

6.00, 7.40, 14.40 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.25 — «Вести».
6.55, 22.50 — «Тафсилотлар».
7.10, 23.05 — «Навбатчи қисм».
7.25 «Товарлар — почта орқали».
7.30 — «Стронг» таништиради.
8.00 «Православ тақвими».
8.05 «Хайвонлар ҳақида мулоқотлар».
9.05, 19.30 — «Санта-Барбара».
10.30 «Пуллар».
10.45, 20.30 — «Петербург сирларининг очилиши». Телесериал.
13.30 Николай Буров, Вера Сотникова, Валерий Баринов «Император романи. Сарой хроникаси» тарихий драмасида. Телесериал. 1-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар учун ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.35 «Россворд».
17.05 Витторио Гассман «Йўлбарс ва мушукча» комедиясида.
21.35 «Пси Фактор». Телесериал.
23.20 «Қизиққон ўлик»

НТВ

